



## **Жоним қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, ҳаммангизнинг намоз ўқишингиздан кўра, менинг намоз ўқишим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқишларига кўпроқ ўхшайди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам то дунёдан ўтиб кетгунларича худди шундай намоз ўқиганлар», - дедилар**

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан: «У киши барча намозда, фарзда ҳам, суннатда ҳам, Рамазонда ҳам, бошқасида ҳам, қиёмда ҳам, рукуъда ҳам такбир айтар эдилар. Кейин, «Самиъаллоҳу лиман хамидах», деб бошларини кўтарар эдилар. Сўнг саждага кетишдан аввал, «Роббанаа ва лакал-ҳамд» дер эдилар. Кейин, «Аллоҳу акбар», деб саждага кетар эдилар ҳамда саждадан бош кўтараётганда такбир айтар эдилар. Кейин, иккинчи саждага бораётганда такбир айтар эдилар, сўнг иккинчи саждадан бош кўтараётганда ҳам такбир айтар эдилар ва ташаҳхуддан тураётганда такбир айтар эдилар. Юқорида айтилганларни ҳар бир ракъатда, то намоз тугагунча қилар эдилар. Намоздан қайтаётиб: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасам ичиб айтаманки, ҳаммангизнинг намоз ўқишингиздан кўра, менинг намоз ўқишим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқишларига кўпроқ ўхшайди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам то дунёдан ўтиб кетгунларича худди шундай намоз ўқиганлар», - дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намозларидан бир қисмини ривоят қилмоқдалар. У зот намозга турмоқчи бўлсалар такбиротул эҳромни, сўнг рукуъ ёки саждага эгилаётиб, саждадан кўтарилаётиб, яна иккинчи саждага эгилаётиб, ундан кўтарилаётиб, уч ёки тўрт ракатлик намозда ташаҳхуддан тураётиб ва намоз тугагунча шундай ўринларнинг барчасида такбир айтганларини хабар бердилар. Рукуъдан кўтарилаётиб «самииллоҳу лиман хамидах», деб, тургач «Роббанаа лакалхамд», дейишларини хабар бердилар. Намозни тугатгач Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу: «Жоним қўлида бўлган зотга қасамёд қилиб айтаманки, ҳаммангизнинг намоз ўқиганингиздан кўра, менинг намоз ўқишим Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг намоз ўқишларига кўпроқ ўхшайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам то дунёдан ўтиб кетгунларига қадар ана шундай намоз

النجاة الخيرية  
ALNAJAT CHARITY

